

5 – SON / 2023 - YIL / 15 - YANVAR

**ЎСМИРЛАР ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
АРТПЕДАГОГИК МЕТОДИКАСИ.**

**Рамазонова Мунира Гуломжоновна**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тарихи музейи мудири

**Аннотация:** Мазкур мақолада бугунги кунда Ўзбекистонда Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Миромонович томонидан “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилиниси муносабати билан таълимни ривожлантириши, янги методларни қўллаб дарс ўтиши мақсадга мувофиқдир. Методларни қўллаша илмий жиҳатдан ёритилган.

**Калит сўзлар:** усул, ўқитиши, метод, дастур, савод чиқариши.

**Аннотация:** В данной статье, в связи с объявлением сегодня в Узбекистане Уважаемым Президентом Шавкатом Мирзиёевым «Годом человеческого внимания и качественного образования», целесообразно развивать образование и проводить занятия по новым методикам. Научно просвещен в применении методов.

**Ключевые слова:** метод, обучение, метод, программа, грамотность.

**Annotation:** In this country, in connection with the announcement today in Uzbekistan by the Respected President Shavkat Mirziyoyev of the "Year of human attention and quality education", it is advisable to develop education and provide classes according to new methods. Scientifically enlightened in the application of methods.

**Key words:** method, teaching, method, program, grammar.

Кириш.

Муҳтарам Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида миллат келажагини жаҳолатдан олиб чиқувчи ягона йўл бу таълим-тарбия эканлигини таъкидладилар. Шу боис, мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазифаларимиздан бири бўлишига жиддий эътибор қаратдилар. Тугаётган йилни сарҳисоб қилиниши, келаси йил режаларини тақдим этилиши, кўп сонли ўқитувчи- педагогларни, олимларни ниҳоятда қувонтирди. Айниқса, 2023 йилнинг «Инсонга эътибор ва сифатли таълим» йили деб номланиши инсон омили ҳамиша давлатимиз сиёсатининг марказида эканлигини яна бир карра исботлади. Мақсад аниқ бўлса, ҳаракатлар ҳам самарали бўлади.

Ш. Мирзиёев «Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир!»— дея ўз фикрини давом эттирад экан инсоннинг қадри, халқимиз фаровонлиги бевосита таълимга, айниқса, сифатли таълимга боғлик эканлигига барчанинг диққатини алоҳида ургу бериш баробарида донишманд бобомиз Юсуф Хос Ҳожибининг «Заковат бор жойда улуғлик бўлади, Билим бор

жойда, буюклик бўлади», деган пурхикмат сўзларни ёдга олди. Дарҳакиқат, қачонки, инсон зоти билимли бўлсагина, ўз ҳаётини ислоҳ қилади, турмуш тарзини яхшилай олади.

Жондан азиз болаларимиз мактабдан чет тилларни, касб-хунар ва компьютер саводхонлигини пухта ўрганиб чиқсагина, жамиятимизда ижобий ўзгаришлар содир бўлишини айтган Президентимиз Янги Ўзбекистонда мактаб жамоалари ва муаллимларнинг масъулияти — айнан ана шу масалаларда яққол намоён бўлишига ишонч билдириди.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Тарихга назар солсак, чироқ бўлмаган пайтларда ҳам китоб ўқишига меҳр жуда баланд бўлган. Ўқиши биладиганлар билмайдиганларга китоблар ўқиб берганлар, ғазаллар ёдлаганлар. Ота-боболаримиз бўш вақтни сира зоя кетгизишмаган. Навоийхонлик, бедилхонлик, машрабхонлик сингари адабий ўқишилар мунтазам ўtkазиб турилган. Бу анъана жадидлар томонидан айниқса юксак мақомларда давом эттирилган. Хусусан, Тошкентдаги “Беклар беги” мадрасасида ўтказилган оқшомлар, хадрада очилган китоб дўкони, Сайдносир Миржалиловнинг “Туркистон” ширкатида Чўлпон ва бошқа шоирлар тўпланишиб, ижодий гурунглар ўтказишиган. Бундай тадбирлар ёш истеъдодли шоир ва ёзувчилар етишиб чиқишида, уларнинг бадиий маҳоратини ошишида ва юзлаб нодир асарларнинг майдонга келишида муҳим омил бўлган. Шундай муҳитлар ўтмишда Маҳмуд Ғазнавий, Ҳусайн Бойқаро, Амир Умархон, Феруз каби хон ва амирлар саройиларида ҳам тез-тез ўтказилиб турилган. XV асрда Ҳусайн Бойқаро ўз саройида Навоий бошлиқ машҳур шоирларни тўплаб, мазкур адабий муҳитга раҳбарлик қилгани, ўзи ҳам ғазаллар ёзиб, мушоаралар ўтказгани бунга яна бир далилдир.

Манбаларда айтилишича, бу анъана Амир Темур саройида айниқса урфга айланган.

XIX аср – XX аср бошларида Кўқонда Амир Умархон (Амирий), Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) саройидаги адабий муҳитлар ҳам тарихда ўз изини қолдирган. Умуман илм соҳасида жадид боболаримизнинг хизмати мислсиз бўлган.

Уларнинг халқ маърифати учун кураш дастури уч асосий йўналишдан иборат эди:

1. Янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш.
2. Умидли, иқтидорли ёшларни чет элга ўқишига юбориш.
3. Турли маърифий жамиятлар тузиш ҳамда зиёлиларнинг кучли фирмасини ташкил этишига қаратилган газеталарни чоп этиш.

Шу дастурни амалга ошириш борасида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавваркори Абдурашидхонов, Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқа зиёлилар жонбозлик кўрсатишиган. Янгича ўқитиш мусулмон болаларига қисқа вақт ичида дунёвий, диний таълим бериш дастури асосида олиб борилди. Бу дастурга кўра мактабларда ўқитиш тизими икки

босқичдан иборат бўлган. Биринчи босқич ибтидоий қисм деб аталиб, унинг таҳсил муддати 4 йил эди. Биринчи босқични тугатган шогирд эски мактабда 10 йил ўқигандан кўра яхшироқ савод чиқарган. Иккинчи босқични муваффақиятли тугатган шогирд арабча, форсча, туркий тилда bemalol сўзлашиб, русчада эркин гаплаша олар эди.

XIX аср охири- XX асрнинг бошларида Туркия, Арабистон, Германия давлатларида саводини чиқарган маърифатчилар камида олти тилни билган. Чет-элда ўқиб, малака оширган жадидлар ҳаётни тубдан ўзгартириш, дориломон кунларни кўриш мақсадида ҳаракат қилганлар. Жадид боболаримизнинг мақсади илм олиш, зиёли бўлиш, мустақил давлат қуриш, шундай тинч, фаровон юртда яшаш, болаларнинг камолини, иқболини кўриш эди. Уларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур. Ҳозирги кунда бизнинг жамиятимиз тинч, жадид боболаримиз азалдан ният қилган дориломон кунларни кўриш бугун бизга насиб этиб турибди. Биз ривожланган, замонавий технологиялар асосида таҳсил оляпмиз. Уларнинг орзуларини рўёбга чиқаряпмиз. Таълим сифатини оширишга қаратилган барча саъй-ҳаракатларни самарадорлигига эришмоқ учун биринчи галда педагог муаллимлар зиммасига жуда катта вазифалар юклатилади. Бугунги ўқитувчи шиддат билан ўзгараётган, ахборот манбалари тўлиб тошган замонга муносиб бўлмоғи лозим<sup>1</sup>.

### **Тадқиқот методологияси**

Инсон капиталини ривожлантириш, камбағаллик ва ишсизликни камайтириш каби жамиятдаги мураккаб муаммолардан қутулиш учун биринчи галда мактабларда ўқиш-ўқитиши сифатини ошириш зарур. Бунинг учун эса, энг аввало, муаллимнинг ўзи-ўз фанинини пухта билиши, юксак педагогиг маҳоратга, янги методикаларни ишлаб чиқиш ва ундан самарали фойдаланиш қобилиятига эга бўлмоғи даркор.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бугун натижа билан ҳеч кимни рози қилиб бўлмайди. Бугуннинг шиддатли нафаси ҳар кун, ҳар лаҳза излаш, изланиш, янгилик яратишни талаб қиласиди. Шундагина турмушимизда, ҳаётимизда гўзал ўзгаришлар содир бўлади, мумтоз ютуқларга эришамиз. Изланиш, топиш ва яратишни ҳар биримиз ўзимизга муқаддас шиор қилиб, қидиришда бардавом бўлишимиз зарурлигини ҳар бир ўқитувчи-мураббий қалбан ҳис этмоғи лозим.

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан жадидчилик ҳаракати намоёндаларининг мустақиллигимиз йўлида қилган ибратли ишларини ўқувчилар орасида кенг тарғиб этиш масаласи энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Бу-барча турдаги таълим муассасаларида буюк аждодларимиз ва жадидчилик ҳаракати намоёндаларининг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида тарғибот-ташвиқот олиб бориш лозимлигидан далолат беради. Бу Президентимиз таъкидлаганидек,

<sup>1</sup>Бегали Қосимов “З-жилди Танланган асарлар”

“жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл” қўймайди, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда қанот бўлади.

Агар болаларимиз дарсга эътибор бермаса, эътиборсиз ўқувчилар учун содда методлардан фойдаланиб дарс ўтиш лозим.

- Дарсга эътиборсиз болага битта A4 оппок қофоз бериб, бешта бармоғингни чизиб, бешта йилни ёзгин деб топшириқ берилади. Ёзгандан кейин мана Жавлонбек бешта бармоққа бешта йилни ёзибди деб, ҳаммага кўрсатиб, яна бошқа ўқимайдиган болага ўша қофозни бериб, шу йилларда нима бўлган деб саволни бериб, энди икки ўқувчи бирлашиб ҳамкорлик қилишни бошлайди. Кейинги дарсда бошқа ўқувчига берилади. Ўша йил ҳақида бешта маълумотни аста-секинлик билан мулоқот бошланади. Кетма-кетлиқда воқеани айтиб беришади. Бу метод занжир усули дейилади.

- Расм чизиш методи.

Масалан, пиёз, олма, нок чиздириб, мавзу ҳақида қисқача маълумот ёзиш керак бўлади.

- Ёзишни ёмон кўрадиган ўқувчига харита чизиб ўзингни йилингни ёз, кўргазмали қурол қилинади деб қизиқтириш керак.

- “Копток ўйини” бу методни қўллаш учун бизга копток керак бўлади. Ўқувчилар ўринларидан турган ҳолатда бўлишлари керак, доира шаклида ўқувчилар жойлашиб олади. Бир-бирларига исмларини айтиб коптокни улоқтиришади. Ёки она тили фанидаги сўроқ олмошларини ёки сифатга, отга оид сўзларни, адабиёт фанидан берилган асар қаҳрамонларига таъриф беришади. Нотўғри маълумотлар берган ўқувчилар ўйинни тарқ этади.

- Мусиқали шеър методи. Ёқимли мусиқалардан сақлаб олинг, дарсликда берилган шеърлардан ўқувчиларга ўзлари ёд олган шеър ва ғазаллардан мусиқага ҳамоҳанг ўқишини кераклигини айтинг, Relax music деб қидирув беринг ва керакли мусиқани танлаб олинг, мумтоз мусиқаларини mp3 Google орқали топиб юклаб олинг.

- Фонтамино методи. Феъл мавзусида фойдаланиш қулай, гурухга бўлиб оламиз, қофозларга феълларни ёзиб оламиз, уҳламоқ, югурмоқ, чопмоқ, ўйламоқ, юрмоқ, рақсга тушмоқ, ҳаяжонланмоқ каби, гурухдан чиқсан вакиллар қофозга ёзилган феълни ўқувчиларга мимика ва ҳаракатлар ёрдамида гапирмасдан кўрсатиб беради, топган гурухга балл берамиз. Ҳолат ёки ҳаракат феъли эканлигини ҳам айтиш керак.

- Тезлик методи.

- “Мозайка” методи. Она тили ва адабиёт фанларида фойдаланамиз. Ижодий баён, матн тузиш, нутқни ўстириш, эркин фикр билдириш, А4 қофозга замонавий касблар, табиат, адиллар портрети каби расмларни чиқаринг ва бўлакларга бўлиб конвертга солинг. Ўқувчиларни гурухларга бўлинг. Ўқувчилар уни йигиб расмларида оғзаки ва ёзма равишда фикр билдирилади.

- Мавзу бўйича бешта савол тузиб келинг деб топшириқ берилади.
- Учта смайлк доскага чизиб, болалар бугун сиз қандай кайфиятдасиз? деб сўранг. Синфхонадаги психологик фикрни билиб оласиз.
- Болалик орзулар, эртаклар оламига тушиб қолиш ким қандай бўлишни хоҳлади.
- Расм дарсида агар қўл чарчаб қолса, қарсак чалиб, болалар кайфияти кўтарилади. Қувнаб-қувнаб, сакраб-сакраб сўнг астойдил дарс қиласиз.
- Тўртлик шеър айтиб кайфият кўтарилади.
- Дарсга доим оппоқ қофоз олиб кириш керак. Шу оппоқ қофозга тилак билдирамиз. Беш-олти хил маркер, фламастер, рангли қаламлар бўлиши керак. Беш бармоқни чиздириб, ўқув йили давомида тилаклар ёзиб, буни тезкорлик билан бажариб йил охирида кўрамиз, қанчалик амалга ошиди. Ўқиб натижасини биламиз.
- Ўқувчиларни дарсга қизиқтириш методи.

Рангли қофоз ёрдам беради. Рангли қофозда ўтган мавзуни компьютерда ёзиб доскага илиб қўйиш керак. Ўқувчилар ўқиб, ўтган дарс мустаҳкамланади. Рангли қофоз ўқувчини дикқатини тортади.

- Ўқувчини ўйлашга мажбур қиласиган метод. Бу методнинг афзаллиги шундаки, ўқувчилар ўтган дарсни такрорлашга мажбур бўлишади. Хотирани мустаҳкамлайди. Чаққонликни оширади. Агар ўқувчилар уч қатор ўтирган бўлса, ҳар бир қаторга оппоқ A4 қофоз берилади. Ўша қофозга ўтган мавзу бўйича ёзиб чиқинг деб топшириқ берилади. Ўқувчилар мавзу бўйича тушунчаларини ёзадилар. Энг охирги партада ўтирган ўқувчи ҳаммасини ўқиб беради. Уйга вазифа мустаҳкамланади.

- Китоб ўқитиш методи.

Биринчи кун уч бет ўқи, иккинчи кун беш бет ўқи, учунчи кун 10 бет ўқи деб топшириқ берилади. Охирида натижаси сўралади. Ўқувчиларни қизиқтириш йўли.

- Интерактив таълим методи. Бу методда ўқувчининг ижодкорлик ғоялари асосида намоён бўлади.

- Дифференциал таълим методи. Ўқувчиларнинг ёши, қобиляти, уларнинг ўзига хослиги, уларнинг иштиёқи, қизиқишилари, синфда ўзлаштириш даражасини инобатга олган ҳолатда уларга ёндашув қилинган таълим дифференционал таълим дейилади. Ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашилади. XXI асрдаги энг муҳим тамойиллар ҳисобланади.

Таълим сифатини янги, ёш ўқитувчиларга ишониш, тўғри, нафақат таълимни балки оилада ота-онанинг фарзандларига ишончи, давлатнинг ёш келажак авлодга ишончи жуда ҳам муҳим.

Тажрибали, ўз қасбининг мутахассиси бўлган ўқитувчиларимиз ёш педагогларимизга тўғри йўл кўрсатишлари ва тажрибалари билан бўлишиши ва шу билан биргалиқда уларга ишонч билдиришлари орқали таълим соҳаси янада

ривожланади. Ёш педагогларнинг малакасини ошириш мақсадида чет элда ўқиб олсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Мақсадга эришиш учун мактабларда ўқитиши тажрибасини тизимли йўлга қўйиш, ўқувчилар учун янги авлод дарсликларини ишлаб чиқиши, илфор тажриба, таълим стандартлари ва методикаларини амалиётга жорий этиши, миллий ўзлигимиз тимсоли, маънавиятишимиз асоси бўлган она тилимизга эътиборни янада кучайтириш кабиларга жиддий қаратиш лозим бўлади.

Ўрни келганда бугун анча-мунча баҳсларга сабаб бўлаётган бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни айрим ўқитувчилар болани ўқишга бўлган иштиёқининг сустлигига ота-оналарнинг фарзандларига бепарволигига айблашса, баъзи ота-оналар ўқитувчиларнинг савияси пастлиги ва муомала маданиятидан шикоят қилишади. Бу нуқтада, халқимизнинг “Қарс икки қўлдан чиқади” деган қадимги мақолини эслаш ўринли. Яхлит олганда эса мактаб ва бола тарбияси азал-азалдан сира осон бўлган эмас ва ҳамма замонларда ҳам кўпчиликни ўйлантириб келган. Ўқувчиларни дарсга қизиқтириш эса авваламбор, ўқитувчиларнинг зиммасига юқлатилган асосий вазифа ҳисобланади. Ўқитувчи синфда ўтирган боланинг диқкат-эътиборини ўзига, ўзи таълим бераётган фанга қизиқтира билиши зарур. Айниқса ахборот манбалари тўпалончи-тошқин дарё мисоли тўлиб-тошиб ётган ҳозирги даврда ўз устида ишламаган муаллимнинг билимсизлиги дарров ошкор бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

### **Хулоса ва таклифлар**

Мақсадга эришиш йўллари эса, ҳар бир муаллимнинг илми, тажрибаси, маҳорати ва замонавий методлардан фойдаланиш қобилиятига боғлиқ. Тафаккур салоҳияти баланд ўқитувчилар ўқувчилар билан хаётий мавзуларда тез-тез суҳбатлашиб турадилар. Натижада, бундай мактабларда айрим илм даргоҳларида учраб турадиган бола ва мактаб ўртасидаги номутаносиблик ҳолатлари бўлмайди. Яъни, ўқувчи билан ўқитувчи ўртасидаги кўз илғамас тўсиқ олиб ташланади, ўқувчи рухониятидаги тортинчоқлик, чўчиш ўрнини ишонч, қизиқиш, самимият эгаллайди.

Яна бир оғриқли нуқта-кўп бор тилга олинаётган хом-хатала дарсликлар масаласидир. Дарслик бамисоли ўқувчига билим берадиган мусаффо булоқ. Булоқнинг суви тиник бўлмаса, лойқа бўлса, ундан сув ичганларнинг ҳоли не кечади? Президентимизнинг Мурожаатномасида мазкур оғриқли муаммога алоҳида эътибор қаратилгани барча муаллимлар қаторида мени ҳам беҳад хурсанд қилди.

Буюклика элтувчи ягона йўл ҳамма замонларда илм бўлгани барчага аён бўлган жуда оддий ҳақиқатдир. Учинчи Ренессанс пойдевори қурилаётган ҳозирги кунларда биз, муаллим ва тарбиячилар Президентимиз “Нажот-таълимда, нажот-тарбияда, нажот-билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади” деган эзгу даъватига амал қилсак, шубҳасиз ҳар томонлама етук ва баркамол авлоднинг вояга етишига мувафақ бўламиз.

5 – SON / 2023 - YIL / 15 - YANVAR

**ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Бегали Қосимов “З-жилдли Танланган асарлар”
2. Педагогик маҳорат А. Холиқов.
3. Т. Маҳмудов Т.: “Гўзал ва ҳаёт” Т,1974
4. Нурматов М. “Танқид ва эстетика” Т.:1976
5. Р. Мавлонова, Н. Вохидова, Н. Раҳмонқуловна “Педагогика назарияси ва тарихи” Т.:2010